



ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ЮКСАК ДАРАЖАГА КЎТАРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 июнь куни мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Озарбайжон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Гусейн Гулиевни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари Озарбайжон элчисининг самарали фаолияти ҳамда икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссасини алоҳида қайд этди.

Олий ва бошқа даражаларда жадал мулоқотлар йўлга қўйилди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришда сезиларли натижаларга эришилди: сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми каррасига ошди, Озарбайжон сармояси иштирокида 280 та корхона ташкил этилди, Қўшма инвестиция компанияси таъсис қилинди.

Айни пайтда геология, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, шаҳарсозлик, тўқимачилик, фармацевтика ва бошқа тармоқлардаги кооперация лойиҳалари фаол паллага кирган.

Маданий-гуманитар алмашинув соҳасида ҳам муҳим дастурлар амалга оширилмоқда.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари элчи Гусейн Гулиевга Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун “Меҳнат шўхрати” орденини топишди.

Элчи, ўз навбатида, унинг дипломатик миссиясига берилган юксак баҳо ҳамда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорлик ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун мамлакатимиз етакчисига чуқур миннатдорлик билдирди.

ЎЗА

МАҲАЛЛА ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллалар фаолиятини рақамлаштириш ва Маҳаллани ривожлантириш миллий институтини ташкил этиш юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда жорий йил “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилингани муносабати билан аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, маҳаллалар инфратузилмаси ва ижтимоий муҳитини яхшилаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада йил якунига қадар 1 миллион аҳолини доимий иш билан таъминлаш, 181 минг оилани камбағалликдан чиқариш, камбағалликдан холи маҳаллалар сонини 2,5 баробар ошириб, 3,5 мингтага етказиш, ишсизлик ва камбағаллик даражасини 4,5 фоизгача тушириш мақсад қилинган.

Йил бошида инфратузилма, аҳоли турмуш даражаси, бизнес фаоллик ва молиявий имкониятлари чекланган 37 та “оғир” туман ҳамда 915 та “оғир” маҳалла билан ишлаш бўйича

янгги тизим яратилган эди. Бунинг учун барча зарур маблағлар ажратилди.

Хусусан, республика бюджетидан “оғир” туман ва маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш учун 12 триллион сўм йўналтирилди. Бунга қўшимча равишда ҳар бир шундай туманга 50 миллиард сўмдан, ҳар бир маҳаллага 2 миллиард сўмдан маблаг берилди. Вилоят ҳокимликлари томонидан ҳам мазкур 37 та туманинг ҳар бирига 10 миллиард сўмдан, 915 та маҳалланинг ҳар бирига эса 1 миллиард сўмдан маблаг ажратилди.

Натижада туман ҳокимликлари ва маҳаллий кенгашлар “оғир” туман ва маҳаллалар учун қўшимча яна 4 триллион сўм маблагга эга бўлди.

▶ Давоми 2-бетда

23 июнь – Давлат хизмати куни

НАТИЖА УЧУН ИШЛАШ — ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Бугунги глобаллашув, рақамлашув ва кучайиб бораётган рақобат шароитида давлатнинг муваффақияти фақатгина унинг иқтисодий салоҳияти ёки табиий ресурслари эмас, давлат бошқаруви тизими самарадорлигига ҳам бевосита боғлиқ. Давлат бошқаруви марказида эса мамлакат тараққиётини таъминловчи стратегик механизм сифатида давлат хизмати институти туради.

Замонавий давлатчилик шароитида фуқароларнинг давлатга ишончи кўп жиҳатдан давлат хизматчиларининг касбий маҳорати, масъулияти, ҳалоллиги ва халқ манфаатларига хизмат қилиш даражаси билан белгиланади. Чунки аҳоли давлатнинг моҳияти ва имкониятларини кўпроқ қонунлар ёки расмий баёнотлар асосида эмас, балки давлат хизматчилари фаолияти орқали ҳис этади. Давлат хизматчиси томонидан кўрсатилган ҳар бир хизмат, қабул қилинган ҳар бир қарор ва мулоқот шакли

давлатнинг жамият олдидаги нуфузини шакллантиради.

Шу нуқтаи назардан, давлат хизмати фақат маъмурий бошқарув воситаси эмас, давлатнинг стратегик ресурсидир. Малакали, ташаббускор ва замонавий билимларга эга давлат хизматчилари мавжуд мамлакатларда ислохотлар тизимли кечади, давлат институтлари самарадорлиги ортади ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорлик мустаҳкамланади.

▶ Давоми 4-бетда



Буюк ўзбек йўли

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИККИНЧИ ДАВРИ

Тарих воқеалари даврларга бўлиб ўрганилиши маълум. Масалан, Амир Темур даври, миллий уйғониш даври, мустақиллик йиллари... Бунда мамлакатдаги янгги тизим, ўсиш ва ўзгаришлар ҳисобга олинади. Бизнингча, тарихий воқеаларнинг кўпчилиги ва шиддатига қараганда, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Президентлик даврини икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчиси бу — аввалги муаммоларни ҳал қилиш ва инсон кадрини кўтариш даври.

Президентимиз лавозимга киришган илк йилларни эслайлик. Одамларнинг оддий ҳаёт тарзи, яшаши, ҳуқуқлари билан боғлиқ қанча муаммолар йиғилиб ётганди. Болалар меҳнати, пахта сафарбарлиги, иқтисодиёт ёпиқлиги, бизнеснинг қийинлиги, чегара муаммолари, уй-жой етишмаслиги, хорижга чиқиш, фуқаролик олиш ва прописка чекловлари... Ва ҳоказо.

Буларнинг кадрини тушуниш учун 3 та воқеани эслашни ўринли деб ўйлайман.

Биринчи воқеа

2017 йил 21 сентябрь, Нью-Йорк шаҳри. БМТ Бош Ассамблеяси йиғилишига борган Шавкат Мирзиёев кўлаб манфаатли учрашувлар ўтказди.

Лекин Жаҳон банки президенти Жим Ёнг Ким билан учрашув жуда асабий кечди. Сабаби — Ўзбекистонда одамларни мажбурий меҳнатга ва болаларни пахта теримида жалб этиш ҳолатлари эди. Инсон ҳуқуқларини қадрлаган халқаро ташкилотлар бу мезонга тўғри келмайдиган давлатлар билан ҳамкорликни хушламасди.

Пахта ўлкамизда ХХ аср бошларидан буён кенг етиштирилаётган бўлса, мажбурий меҳнат ҳар доим бўлган. Фақат Президентимиз Шавкат Мирзиёев даврига келиб, халқ кутган

қатъият топилди — 100 йилда бўлмаган ислохот бўлди.

2017 йилдан бошлаб далаларда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга чек қўйилди. Бюджет ташкилотлари ходимлари ва талабаларни пахта теримида чиқариш тақиқланди. Пахтага дахли бўлмаганларнинг қўли бўшади. Бунинг Халқаро меҳнат ташкилоти ҳам кўриб, кузатиб бори.

Энди воқеанинг давомини эшитинг. Жаҳон банкининг президенти 3 ой ўтиб, 2018 йил январда юртимизга вакилларини юборди. Давлатимиз раҳбари билан учрашсини таклиф қилиб, Ўзбекистон билан шериклигини кенгайтиришга тайёр эканини билдирди.

▶ Давоми 3-бетда

КАСБИЙ ТАЪЛИМДА ХУСУСИЙ СЕКТОР ИШТИРОКИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев хусусий касбий таълимни ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари учун замонавий касб ва кўникмаларга эга мутахассислар тайёрлаш, аҳолини меҳнат бозори талабларига мос касбларга ўқитиш бандлигини таъминлаш ва даромадларини оширишнинг муҳим омил ҳисобланади.

Шу боис, кейинги йилларда касбий таълим тизимини ислоҳ қилиш, ўқув дастурларини иш берувчилар эҳтиёжига мослаштириш, хусусий сектор иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тақдимотда касбий таълим хизматларини кўрсатишда хусусий секторнинг имкониятларини кенгайтириш бўйича янги чоралар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, келгуси уч йилда хусусий сектор улушини ошириш орқали халқаро стандартлар асосида очилган ўқув ва баҳолаш марказларининг сонини ҳозирги 50 тадан 200 гага етказиш, хусусий касбий таълим билан ҳар йили 500 минг нафар аҳолини қамраб олиш мақсад қилинган. Айни пайтда бу кўрсаткич 45 минг нафарни ташкил этмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

КАПИТАЛ БОЗОРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, давлат иштирокидаги корхоналарни трансформация қилиш, хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш ва инвесторлар учун қўлай муҳит яратиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнларда капитал бозорини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўтган ойда мамлакатимиз молиявий ҳаётида улкан воқеа рўй берди. Илк бор Лондон ва Тошкент фонд биржаларида Миллий инвестиция жамғармаси акциялари бирламчи оммавий жойлаштирилди.

▶ Давоми 2-бетда

МУЛОҚОТДАН — АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИККА

V ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИДА ҚИЙМАТИ 43,1 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК ЛОЙИҲАЛАР ИМЗОЛАНДИ

Кун мавзуси

Ўтган ҳафта пойтахтимиз ҳаётида асосий воқеаликка айланган бешинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми ўз ишини муваффақиятли якунлади. Йирик иқтисодий анжуманинг 16-18 июнь кунлари бўлиб ўтган асосий тадбирлари нафақат минтақамиз, балки дунё эътибори марказида турганига гувоҳ бўлди. Чунки айни анжуман сабаб жаҳон молияси иштирокчиларининг катта қисми — дунёнинг 102 давлатидан 4 мингта яқин хорижий делегат, 76 нафар ҳукумат вакили, машҳур компаниялар раҳбарлари, йирик инвесторлар, жами ўн



мингдан зиёд иштирокчи пойтахтимизда жам бўлди. Халқаро иқтисодий форум жараёнларини 41 давлатдан келган 200 дан зиёд журналист фаол ёритиб боргани ҳам тадбирнинг глобал майдондаги аҳамиятини намоён этмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

МУҚАДДАС САФАР

Эссе

Ҳайрат

Ҳар хил сафарлар бўлади. Дунё кезиш, хизмат сафари, ижодий сафарлар, оддий сайру саёхатлар... Ҳаммаси ҳам зарур, лекин бир сафар борки, мусулмон фарзанди эсини таниганданоқ унга боришни орзу қилади, маблаг йиғиб, тайёрланади...

Бу — муқаддас ҳаж сафари.

Бу зиёратни адо этиб келиш насиб этганлар ўзини ниҳоятда бахтиёр сезади, тили шукрона айтишдан бўшамайди. Шу

маънода, навбатдаги сафаримдан ҳали-ҳануз ҳайратдаман. Насиб этганига шукр қиламан. Бир гуруҳ саодатмандлар қаторида “Президент ҳожилари” сафига қўшилганимдан бошим осмонга етди! Бу ёлғиз менинг эмас, ҳамсафарларимнинг ҳам сўзлари. Улар сафида Ватанимизнинг ҳамма ҳудудидан келган, ҳалол меҳнати, турмуш тарзи, ахлоқ-одоби билан бошқаларга ўрнак бўлган юртдошларимиз бор эди.

▶ Давоми 6-бетда

КАСБИЙ ТАЪЛИМДА ХУСУСИЙ СЕКТОР ИШТИРОКИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Бунинг учун 300 дан ортиқ ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилиб, халқаро талабларга мослаштирилади. Камида 1 минг нафар ўқитувчи ва таълим усталарининг малакаси оширилади. Ушбу дастурларни молиялаштириш учун Бандлик жамғармасидан 500 миллиард сўм йўналтирилади.

Тақдимотда тадбиркорлар билан ўтказилган учрашувлар давомида билдирилган таклиф ва муаммолар ҳам кўриб чиклди. Мулоқотларда тадбиркорлар томонидан хусусий касбий таълим марказлари учун божхона божи ва ижтимоий солиқ бўйича имтиёзлар, имтиёзли кредитлар, айрим харажатларни компенсация қилиш, янги қурилган бинолар учун ташқи инфратузилмани бюджет ҳисобидан барпо этиш, ер участкалари қиймати фозисиз бўлиб тўлаш, бўш бино ва майдонлардан фойдаланиш имкониятларини яратиш масалалари кўтарилган.

Шу муносабат билан хусусий касбий таълим ташкилотлари учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни божхона божидан озод қилиш, хорижий ўқитувчилар, мутахассис ва усталар учун ижтимоий солиқ ставкасини 1 фозиз этиб белгилаш таклиф қилинди.

Шунингдек, 2 йиллик имтиёзли давр билан 7 йилгача имтиёзли кредитлар ажратилади. Бино қурилиши ва таъмири, зарур ускуналарни харид қилиш учун олинган кредитлар бўйича фозиз харажатларининг 7 фозиз қоплаб берилади.

Хорижий мутахассислар ва малакали ўқитувчиларни жалб қилиш харажатларининг 50 фозиз компенсация қилинади. Касбий малакани баҳолаш ускуналари ва дастурий маҳсулотлар харажатларининг 30 фозиз, хорижда тан олинадиган ва миллий касбий малака сертификатлари харажатларининг 50 фозиз миқдориди компенсация тўланади.

Шу билан бирга, бундай имтиёз ва қўлаб-қувватлаш чораларидан фойдаланган тадбиркорлар қурилган ёки ижарага олинган биноларнинг камида 60 фозизда касбий тайёргарликни ташкил этиши ва амалий машғулотлар ўтказиши шарт бўлади.

Тадбиркорларга сотилган ер учун тўловни 5 йилгача фозисиз бўлиб тўлаш, бўш турган давлат объектларини камида 5 йилга ижарага олиш, техникумлардаги бўш бинолардан бепул фойдаланиш имконияти берилади.

Хусусий касбий таълим ташкилотларини ривожлантириш учун йил якунигача уларни жиҳозлаш дастурига 100 миллион доллар жалб қилинади. Битирувчилар лойиҳаларини қўлаб-қувватлаш мақсадида 5 миллион долларлик “Венчур жамғармаси” ташкил этилади. Шу йилдан бошлаб ҳар йили “касб ваучери” дастури учун 20 миллиард сўм ажратиб борилади.

Тақдимотда хусусий касбий таълим ташкилотлари уюшмасини ташкил этиш, унинг фаолиятини молиялаштириш ҳамда “Кўник-малар парки” экотизимини яратиш режалари ҳам кўриб чиқилди. Соҳа муаммоларини давлат идоралари билан биргаликда тезкор ҳал қилиш учун доимий ишлайдиган рақамли мулоқот платформасини йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз тақдим этилган чораларни маъқуллаб, хусусий касбий таълимни ривожлантириш, ўқув дастурларини халқаро стандартларга мослаштириш, аҳолини талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш ва тадбиркорлар учун яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

КАПИТАЛ БОЗОРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Бунинг учун замонавий инфратузилма, халқаро стандартларга мос ҳуқуқий режим, солиқ имтиёзлари, энг муҳими, бизнес юртишининг ишончли ва шаффоф муҳитини шакллантириш зарурлиги қайд этилди.

Шу боис, халқаро молия ташкилотлари билан биргаликда янги тахрирдаги “Капитал бозори тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. 16 та боб ва 123 та моддадан иборат ушбу ҳужжат капитал бозорини замонавий бозор нормалари асосида тартибга солиш, инвесторлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, бозор инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва янги молиявий воситаларни жорий этишга қаратилган.

Қонун лойиҳасида халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган янги молиявий инструментларни жорий этиш назарда тутилмоқда. Хусусан, Халқаро деривативлар ва своплар ассоциацияси стандартларига мувофиқ, мамлакатимизда опцион, своп, фьючерс ва форвард каби ҳосила молиявий воситалар, шунингдек, неттинг шартномаси асосида битимлар тузиш тизими йўлга қўйилади.

Банклар томонидан гаров билан қопланган облигациялар ва ипотека кредитлари мажбуриятлари асосида махсус облигациялар чиқаришнинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Бу банклар учун узоқ муддатли ресурсларни жалб қилиш, ипотека бозорини ривожлантириш ва аҳоли учун молиявий имкониятларни кенгайтиришга хизмат қилади.

Ислом молияси воситаларини жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Юртимизда илк бор шерикчилик, ижара, савдо ва агентлик сукуки каби ислом молияси турларини ўз ичига олган “сукук” қимматли қозғоларини чиқариш шартлари белгиланмоқда.

Тақдимотда қимматли қозғолар бозори инфратузилмасини такомиллаштириш

масалалари ҳам кўриб чиқилди. Қимматли қозғолар марказий депозитарийсининг ваколатлари кенгайтирилиб, унга дивидендларни марказлашган ҳолда тўлаш, хорижий банкларда вакиллик ҳисобварақлари очиш ҳуқуқи берилмоқда.

Шунингдек, молиявий ташкилотлар томонидан миқозларнинг қимматли қозғоларини сақлаш, ҳисобини юртиш ва улар билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш бўйича профессионал хизматлар жорий этилади. Чет эллик номинал сақловчилар учун маҳаллий бозорга кириш тартибини соддалаштириш орқали хорижий институционал инвесторларни жалб қилиш имкониятлари кенгайди.

Регулятор ваколатларини халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқлаштириш ҳам назарда тутилмоқда. Бу бозор иштирокчилари фаолиятини самарали назорат қилиш, ахборот ошкоралигини таъминлаш, қонунийлик бузилиши ҳолатларига тезкор муносабат билдириш ва инвесторлар ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Миллий корхоналар акцияларини халқаро молия бозорларига жойлаштириш ва инвесторларнинг активларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида 10 дан зиёд қонун ва кодексларга ўзгартиришлар киритилмоқда.

Президентимиз капитал бозори иқтисодиётга узоқ муддатли ресурсларни жалб қилиш, корхоналарни трансформация қилиш ва хусусий инвестициялар оқимини кенгайтиришда муҳим манба эканини таъкидлади.

Мутасаддиларга янги тахрирдаги “Капитал бозори тўғрисида”ги қонун лойиҳасини халқаро ҳамкорлар билан муҳокама қилиш, бозор инфратузилмасини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, янги молиявий воситаларни жорий этиш ва соҳа учун кадрлар тайёрлаш юзасидан топшириқлар берилди.

Бошланиши 1-бетда

Тақдимотда маҳаллаларни қўлаб-қувватлаш учун Маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармасига яна 200 миллиард сўм ажратилгани маълум қилинди. Шунингдек, маҳаллалар учун 300 миллиард сўмдан зиёд қўшимча доимий даромад манбалари яратилмоқда.

Жумладан, маҳалла ҳудудида санитария ва ноқонуний қурилиш бўйича жарималарнинг бир қисми маҳалла бюджетларига йўналтирилади. Ер ва мол-мулк солигидан тушадиган тушумларнинг улуши 10 фозиздан 15 фозизга оширилади. Бўш майдонларни ижарага бериш ва айрим биноларни сотишдан тушадиган маблағлар ҳам маҳаллаларнинг ўзиди қолдирилади.

Ушбу маблағлар биринчи навбатда ички йўлларни таъмирлаш, пийдалар йўлакчаларини ташкил қилиш, болалар ва спорт майдончаларини қуриш, маҳалла боғларини барпо этиш, эҳтиёжманд оилалар бандлигини таъминлаш бўйича дастурларни амалга оширишга йўналтирилади.

Шу билан бирга, жиноят йўлига адашиб кириб қолган 245 минг фуқарони касб ва хунарга ўқитиш, уларни ижтимоий ҳаётга қайтариш бўйича алоҳида ишлар ташкил қилинади.

Тақдимотда маҳаллалар фаолиятини рақамлаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. “Маҳалла еттилиги” томонидан уйма-уй ўрганишлар давомида 1 миллион 365 минг нафар аҳолининг муаммолари аниқлангани қайд этилди.

Ушбу муаммоларни тезкор ҳал қилиш мақсадида 35 та вазирлик ва идоранинг ахборот тизимлари “Рақамли маҳалла” платформасига уланади. Платформа орқали маҳалладаги долларб масалаларни аниқлаш, муножаатларни тизимли таҳлил қилиш ва тегишли ечимларни тезкор белгилаш имкони яратилади.

Шунингдек, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали ҳар бир маҳалладаги энг долзарб муаммоларни олдидан аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича янги тизим йўлга қўйилади.

Ҳар бир маҳалланинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, банклар билан биргаликда

аҳолининг бизнес ташаббуслари ва инвестиция лойиҳалари портфели шакллантирилади. Бу маҳалладаги мавжуд имкониятларни иш ўрни ва даромад манбаига айлантиришга хизмат қилади.

Тақдимотда маҳалла фаолиятини илмий асосда ташкил этиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, шу вақтгача мамлакатимизда тадқиқ этилган 20 мингта ақин илмий ишнинг аттиги 10 тасида маҳаллага алоқадор айрим масалалар ўрганилган.

Шу муносабат билан Маҳаллани ривожлантириш миллий институтини ташкил этиш таклифи билдирилди. Институт фаолияти қатъи аниқлаш салоҳиятга эга Давлат бошқаруви академияси билан боғлиқ ҳолда йўлга қўйилади.

Янги институт маҳалла тизимидаги ислохотларни илмий таҳлил қилиш, илгор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш, “еттилик” фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Ушбу тизим орқали ҳар йили 21 минг нафар маҳалла тизими ва “еттилик” аъзоларининг малакаси оширилади.

МУЛОҚОТДАН — АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИККА V ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИДА ҚИЙМАТИ 43,1 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК ЛОЙИҲАЛАР ИМЗОЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Кўпчилик халқаро анжуман юқори савияда ташкил этилгани, бу йилги иштирокчилар сони ва нуфузи анча баланд экани, форум қатнашчилари 80 га яқин тадбирда иштирок этгани ҳақида гапирарётган бўлса, бошқалар айни анжуманда имзоланадиган янги лойиҳалар, инвестицион келишувлар ҳажми билан қизиқмоқда. Чунки форум сабаб юртимизга озмунча инвестор келмади — иштирокчи компаниялар бошқарувидидаги активларнинг умумий ҳажми қарийб 42 триллион долларга баҳоланган. Қолаверса, бу йилги юбилей санада имзоланадиган келишувлар ҳам рекорд даражага етиши тахмин қилинган.

Шунга яраша форумдан куттилган анча юқори эди. Рақамлар эса бунни амалда ифода эта олди. Уч кун давом этган ўзаро мулоқотлар, бизнес учрашувлар, аниқ лойиҳалар ва ташаббуслар, инвесторларнинг юқори қизиқиши аниқ амалий ечимларга айланди. Натижада V Тошкент халқаро инвестиция форуми якунида умумий қиймати 43,1 миллиард долларлик 166 та инвестиция шартномаси имзоланди.

— Бу рақамлар шунчаки уч кунлик ишбилармонлик дастурининг якуни эмас, — дейди Ўзбекистон инвестициялар, саноат ва савдо вазир Лазиз Қудратов. — Улар янада муҳимроқ тенденцияни акс эттиради. Яъни Ўзбекистонга халқаро қизиқиш аниқ инвестицион қарорлар, йирик тармок лойиҳалари, узоқ муддатли ҳамкорликка айланиб бормоқда. Юртимизнинг инвестициявий жозибадорлиги ошиб, хорижлик ишбилармонларни қоралаётгани форумнинг бу йилги тадбирларида яққолроқ кўринди. Иштирокчилар сонидан тортиб, эришилган келишувларгача рақамлар бир неча баробар ошиб, барча рекордлар янги қиланганига гувоҳ бўлдик. Бу маъкур форум Ўзбекистоннинг инвестицион имкониятларини намойиш этадиган майдондан йирик халқаро ишбилармонлик платформасига айланганини кўрсатади. Бугун хорижлик инвесторлар ана шу платформада лойиҳалар билан танишиб, узоқ муддатли ҳамкорлик шартномаларини имзолашга интиляпти.

Одатда ишбилармонлар бирор лойиҳага шунчаки сармоя киритмайди. Инвесторни, аввало, хавфсизлик муҳити, қулай шароит, иқтисодий имкониятлар, қолаверса, истиқболли лойиҳа қизиқтиради. Тошкент халқаро инвестиция форуми эса уларга ана шуларни таклиф қилапти. Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистоннинг инвестицион салоҳияти билан танишиб, ҳамкорлик келишувлари учун ўзаро мулоқот майдонини яратиб бермоқда. Ушбу платформанинг ўзидеъ қатор лойиҳалар имзоланиб, келишувларга эришилаётгани боиси шунда.

Янги халқаро аэропорт: инвестор қим?

Яқин йилларда Тошкент шаҳрида Германиянинг машҳур Volkswagen автомобилларини йирик узелли йиғиш бошланади. Ушбу йирик лойиҳага V Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида старт берилди. Келишув Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев

ҳамда Германия Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер ҳузурида имзоланди. Лойиҳалар орасида Андижон вилоятида логистика марказини барпо этиш, суюқ маиший ювиш воситалари ишлаб чиқариш, темир йўл соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш ҳамда замонавий имтиҳон марказларини очиш кабилар ҳам бор. Мазкур ташаббуслар икки давлат ўртасидаги иқтисодий шерикликини янада мустаҳкамлаш баробарида ҳудудларда саноат кооперациясини кенгайтириш, инфратузилмани ривожлантириш, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Лойиҳаларнинг аксарияти хусусий соҳа вакиллари билан амалга оширилаётганини кўриш мумкин. Чунки бугун жаҳон амалиётда хусусий бизнес мамлакатлар иқтисодиётининг муҳим таянчига айланган. Уларнинг давлат билан ҳамкорлиги эса соҳалар ривожини тезлаштиряпти.

Тошкентдаги инвестиция форумида имзоланган йирик шартномаларнинг бири ҳам давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигида амалга оширилади. Гап Янги Тошкент халқаро аэропортини қуриш ва уни эксплуатация қилиш бўйича эришилган келишув ҳақида борапти. Давлат-хусусий шериклик шартномаси “Uzbekistan Airports” АЖ ҳамда Саудия Арабистоннинг “Vision International Investment” компанияси ўртасида тузилиди. Мазкур шартномага мувофиқ, янги аэропорт 35 йил муддатга давлат-хусусий шериклик механизми асосида ташқи бошқарувга берилиб, лойиҳа Саудия Арабистони, Япония ва Корея Республикасининг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Маълумотларга кўра, янги аэропорт мажмуаси 2026-2030 йиллар давомида Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ туманлари ҳудудидаги 1310 гектар майдонда



УШБУ МАҚОЛАНИ
КОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!



TASHKENT
INTERNATIONAL
INVESTMENT
FORUM



Ўзбекистонда 2030 йилгача электр энергияси ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 40 фозиздан ошириш бўйича аниқ режалар белгиланган.

барпо этилиб, лойиҳа доирасида дастлабки босқичда қарийб 3 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиниши режалаштирилган. Лойиҳа доирасида амалдаги аэропорт терминалидан 4 баробар катта бўлган янги замонавий йўловчи терминали қад ростлайди ҳамда дастлабки босқичда йилга 20 миллион йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлади, истиқболда эса ушбу кўрсаткич 46 миллионга етади. Йўловчилар оқимини тез ва қулай тарзда йўналтириш мақсадида жами 40 дан ортиқ телефоник трап ҳамда 160 дан ортиқ ҳаво кемаси тураргоҳи ташкил этилиши кўзланган.

Халқаро форум нафақат дунёнинг турли нуқтаидаги ана шундай йирик сармоядорларни, балки уларнинг ғоялари, таклиф ва

ташаббусларини ҳам бирлаштириди. Анжу-манинг ҳар бир кунига муайян йўналишдаги бизнес тадбирлар, мулоқот ва сессиялардан ташқари Миллий кўргазма, ўнга яқин давлат ишбилармонлари билан алоҳида бизнес-форумлар ташкил этилган аниқ таклифларни илгари суриб, инвестициявий келишувларга эришишда аниқ муддао бўлди.

Форум доирасидаги шундай бизнес учрашувларнинг бирида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида муҳим ҳамкорлик ҳужжатлари имзоланди. Озарбайжоннинг “AzerGold” компанияси билан геологик қидирув ва тоқон саноатини ривожлантириш, “NEQSOL Holding” билан минерал ресурсларни ўзлаштириш ва инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича эришилган келишувлар шулар жумласидан.

Жанубий Кореянинг “ROBOTIS” компанияси билан имзоланган битим қўлами ҳам анча катта. Замонавий лойиҳа доирасида пойтахтимиздаги “Янги авлод” махсус саноат зонасида гуманоид роботлар ҳамда уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарадиган завод қурилишга старт берилди.

— Компаниямиз робототехника соҳасида жаҳондаги етакчилардан бири, — дейди “ROBOTIS” президенти Ким Бёнг Цу. — Компаниянинг умумий активлари ҳажми 2,5 миллиард доллар бўлиб, технологияларимиздан Amazon, Microsoft, Apple, NASA, Google, Samsung, BMW каби жаҳонга машҳур гигантлар кенг фойдаланиб келмоқда. Ушбу стратегик лойиҳа ва ўзаро ҳамкорлик Ўзбекистон саноатини юқори технологиялар босқичига олиб чиқишга ишонамиз. Лойиҳа доирасида мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилиши, илгор халқаро тажриба трансфер қилиниши

кутиляпти. Бу мамлакатнинг Марказий Осиёда робототехника бўйича етакчи марказга айланишида ҳам мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Бу якуний рақамлар эмас

V Тошкент халқаро форумининг бу йилги дастурлари шу каби келишувларга бой бўлди. Форумнинг уч кунлик тадбирларидан кейин хорижлик меҳмонлар одатдагидек мамлакатимиз ҳудудлари инвестицион имкониятлари билан танишиб, қатор саноат корхоналарида бўлди. Турли соҳалар кесимида учрашувлар ташкил этилиб, янги битимлар имзоланди.

“Ўзбектидроэнерго” АЖ корхонаси учун форум амалий натижаларга бой бўлгани айтилмоқда. Қатор давлатлар инвесторлари ушбу йўналишдаги лойиҳаларга сармоя қилишга маълум бўлди. Жумладан, АҚШнинг “77 Construction USA Corp.” компанияси билан Псков ГЭС лойиҳасида иштирок этиш бўйича келишувга эришилган бўлса, Жаҳон банки гуруҳи Ҳожикент ГЭС лойиҳасини ривожлантириш бўйича янги ҳамкорлардан бирига айланди.

Қолаверса, Хорватиянинг “Koncar” ҳамда “In Foro Viridi” компаниялари билан кичик ва ўрта гидроэлектр станциялари лойиҳаларини амалга ошириш, Афғонистон томони билан гидроэнергетика ускуналарини етказиб бериш ва лойиҳалаш соҳаларида ҳамкорлигини ривожлантириш юзасидан келишувларга эришилди.

Хорижлик инвесторларни иқтисодий соҳалар, қишлоқ ҳўжалиги, саноат тармоклари, рақамлаштириш, сунъий интеллект каби

замонавий йўналишлардаги лойиҳалар кўпроқ қизиқтираётганини кўриш мумкин. Айниқса, “яшил” энергетика асримизнинг энг ривожланаётган соҳаларидан бири бўлмоқда. Ўзбекистон эса охириги йилларда бу борада инқилобий натижаларга эришиб, Марказий Осиёдаги етакчилардан бирига айланганини дунё давлатлари эътироф этмоқда. Йирик инвесторларни юртимизга қорлаётган сабаб ҳам шу, аниқ йўналишга дунёнинг гигант компаниялари сармоя киритмоқда. Ҳатто мамлакатимизда инвестицион лойиҳалар ҳақида гап бормида, биринчи навбатда, кўз олдимизга энергетика тармоғи келяпти.

— Ўзбекистонда 2030 йилгача электр энергияси ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 40 фозиздан ошириш бўйича аниқ режалар белгиланган, — дейди “Ўзбектидроэнерго” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Азимжон Аҳмаджонов. — Бу мақсадга эришиш учун тизимли, жадал ҳаракатлар қилинаётир. Айни жараёнда эса хорижий инвестиция ҳажми тобора ошиб бораётгани, чет элликларнинг соҳага қизиқиши юқори экани алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, V Тошкент халқаро инвестиция форумида энергетика соҳасида фаолият юритаётган 50 дан ортиқ хорижий компания ва инвестор иштирок этди.

Гидроэнергетика қайта тикланувчи энергия манбалари орасида энг барқарор ва экологик тоза йўналишлардан бири. Бугун мавжуд гидроэнергетика қувватларини модернизациялаш, янги гидроэлектр станциялар барпо этиш ҳамда энергияни самарали сақлаш имконини берувчи гидроаккумуляция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Форум доирасидаги мулоқотлар, илгари сурилган лойиҳалар амалий натижаларга айлангани кўвенарли. Имзоланган келишувлар турли ҳудудларда амалга оширилиши ва барқарор ҳамда экологик тоза энергетика тизимини ривожлантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ҳар йили Тошкент халқаро инвестиция форумида юртимиз ҳудудларидан вакиллари фаол иштирок этиб, янги лойиҳаларни таклиф қилиш боиси шунда. Бу гал ҳам уч кун давом этган форумнинг пойтахтимиздаги САЕХ кўргазмалар майдонига ташкил этилган тадбирларда ҳар бир вилоят учун алоҳида бурчақ ажратилиб, замонавий стендлар ёрдамида махсус тақдимотлар қилинди. Бу ҳам инвесторларда катта қизиқиш уйғотганига гувоҳ бўлди. Бўлимларга ажратилган тақдимот майдонларида ҳудудлар ҳокимлари бошчилигидаги тадбиркорлар қатнашиб, хорижлик ишбилармонлар билан бевосита мулоқотлар, алоҳида сессиялар ташкил этилгани ҳам амалий натижалар қўламини оширди.

Форум доирасида имзоланган битимларнинг кўпи мамлакатимизнинг турли ҳудудларида амалга оширилади. Кўрсатилган рақамлар аниқ эришилган келишувлар ҳажмини аңглатади. Аммо муҳокама жараёнида бўлган лойиҳалар ҳам талайгина. Улар бўйича йил давомида музокаралар қилиниб, яна ўнлаб шартномалар имзоланиши кўзда тутилган.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Анвар САМАДОВ,
журналист

Бошланиши 1-бетда

Ўша йили май ойида Президентимизнинг Америка Қўшма Штатларига расмий ташири-фи чоғида иккинчи учрашув бўлиб ўтди. Бу сафар муносабат тамомила бошқача! Давлатимиз раҳбарини Жаҳон банки президентининг ўзи очик юз билан кутиб олди. “Мен Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг суръати, миқдоси ва кўламидан чуқур ҳайратдаман”, деди у.

Бу Президентимизнинг қатъияти ва шиқоатига тан бериш эди. Аёнки, бунинг ортида қандай ҳурмат, ҳурматнинг замирида эса катта меҳнат-машаққат бор!

Албатта, бу билан пахтачилик зарар кўрган йўқ. Иқтисодиёт учун у ҳам керак. Фақат бозор тамойиллари ва манфаатдорлик тўғриси йўлга қўйилди. ЭНДИ ПАХТАНИ БОЛАЛАР ЭМАС, “МАНФААТ” ТЕРЯЙТИ.

Пахта бир аср давомида элимизнинг асосий таъминоти бўлиб келди. Бу одамларнинг турмуш тарзига, ҳатто онгига сингиб кетганди. Қишлоқ болалари кузда ойлаб пахтага чиқиб, бир йилда 6 ой ўқирди. Лекин халқимизнинг “қосаси оқармади”. Қайтага заҳмат, касаллик, иснод келтирди.

Пахтаимизнинг ўзи оқ, номи қора эди. Шу туфайли ҳам “Cotton Campaign” халқаро коалицияси Ўзбекистон пахтасига бойкот эълон



қилганди. Юқоридагидек ижобий ўзгаришлар ва давлатимизга ишонч таъсирида 2022 йилга келиб, бу “таъқиқ лаянат” бекор қилинди.

Қолаверса, мамлакатимиз GSP+ имтиёзлар тизимига аъзо бўлди. Бу орқали 6200 турдаги маҳсулотларни Европа бозорларига божсиз экспорт қилиш имконияти яратилди. “ZARA”, “Collins”, “LC Waikiki”, “De Facto”, “Pierre Cardin”, “Baldessarini”, “Digel”, “Carl Gross” каби машҳур компаниялар билан ҳамкорликка йўл очилди.

Илгари пахтаимизни хомашё ҳолида сотолмай юрган бўлсак, энди тайёр маҳсулот қилиб сотлямиз. Ҳам одамларни иш ўрни, ҳам қўшилган қиймат яратилляпти. Мана, биргина ислохотнинг халқ ҳаётидаги ўрни!

Иккинчи воқеа

2017 йил 5 сентябрь. Шу кунни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев давлат ташири-фи билан Қирғизистонга боради. Салом-аликдан сўнг Қирғизистон Президенти биринчи бўлиб Ўзбекистондаги вазиятни сўрайди.

Гап шундаки, бундан бир-икки кун олдин давлатимиз раҳбарининг валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича фармони эълон қилинган эди. Унга кўра, 2017 йил 5 сентябрдан бошлаб, Ўзбекистонда чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш эркинлаштирилди.

Ўшанда кўпчилик бу революцион қадамдан хавотирга тушгани рост. Энди Ўзбекистонда нархлар осмонга чиқиб кетади, хаос бошланади деб ўйлаганлар ҳам бўлди.

Лекин ундай бўлмади. Вазият ҳар томонлама таҳлил қилинган, ҳам тадбиркорлар, ҳам молиячилар фикри ўрганилгани, халқаро экспертларнинг маслаҳатлари олинби, пухта тайёргарлик қўрилгани натижасида конвертацияга ўтиш равоон кечди.

Ҳозирги ёшлар билмаслиги мумкин. Илгари юртимизда хорижий валюта сотиб олиш чекланганди. Оқибатда расмий ва бозор курси пайдо бўлиб, орасидаги фарқ икки барибар эди.

Инвесторлар ҳам анойи эмас. Бундай шарионтидаги жойга пул тиккиси келармиди? Инвестиция киритсам, фойдасини олиш минг даҳмаза эди. Ёки маҳсулотини экспорт қилган тадбиркор топган хорижий валютасини ўзи учун зиёнли бўлган расмий курс бўйича сотарди.

Шунинг учун инвестиция ҳам, экспорт ҳам сўт эди. Масалан, 2016 йилда сармоялар ҳажми 15 миллиард доллар нари-берисида бўлган. Оқибатда иқтисодий ривожланиш секинлашган, ижтимоий инфратузилмага эса айтарли пул етиб бормасди.

2017 йилда сўмининг эркин конвертацияси очилгани бизнес ривожига жуда катта туртки берди. Бу савдо, ишлаб чиқариш, экспорт, умуман, иқтисодиёт эркинлашди дегани. Ўзбекистонга катта-катта компаниялар кела бошлади. Турли мажмуалар қурилиб, одамлар ишли бўлди.

Сўнгги йилларда юртимизга 150 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестиция қилин-либди. Энди ўйланг, 15 миллиарда қайёқдаю, 150 миллиард қайёқда? Яъни 10 йилда 10 баробар ўсди!

Биз ҳали фақат чет эл инвестициясини айтяпмиз. Ҳозир ўзимизнинг тадбиркорлар ҳам катта-кичик инвесторларга айланди. Турли соҳаларга йўналтирилган жами пулни кўп-сак, 230 миллиард доллардан ошиб кетади.

Бу нимадан? Иқтисодиётга ишончдан! Бу нимадан? Эркинлик борлигидан!

Шундай шариотлар натижасида минглаб кичик корхоналар катта ширкатларга айланди.

Бошқаларни ўз ортидан эргаштирадиган “чемпион тадбиркорлар” деган ибора пайдо бўлди. Уларнинг ҳисоб рақамларида миллион-миллион доллар бор. Хоҳласа сўмда, хоҳласа хорижий валютада бизнес қиялпти. Аввалгидай таққилар ва таъқиллар йўқ, ишбилармонларимиз дунёга чиқиб, глобал қўшилган қиймат занкирида фаол қатнашяпти.

Элсасангиз, олдинлари чет эллар билан музокараларда Ўзбекистон делегациясида фақат давлат мулозимлари бўларди. Ҳозир кўпи ишбилармонлар. Президентимизнинг хорижга сафарлари чоғида ҳар доим бизнес-форумлар ўтказилляпти. Бу — юртимизда тадбиркорлар синфи етакчи ўринга чиқаётганидан далолат.

Бундай ўзгаришлар одамлар ҳаётида акс этмай қолмайди, албатта. Очилган корхонада барибир кимдир ишлайди. Маҳсулотини биров сотади, сотиб олади. Уларга хизмат кўрсатишда яна қанча одам даромад топади. Хуллас, гилдирак юриб кетди.

Масалан, ҳозир хусусий секторда ўртача ойлик 4-5 миллион сўм. Уйига даромад кирган одамнинг кайфияти кўтаринки бўлади, ўзинга, соғлигига қарайди, фарзандларини яхши ўқитади. Бутун жамиятда шундай муҳит бўлса, мамлакат илгарилаб бораверади.

Учинчи воқеа

Шавкат Мирзиёев халқ ичидан чиққан, ҳаётинг пасту баландини ўрган инсон. Ёш-лигида кўп қийинчиликларни бошдан ўтказ-ни. Оила курғач, ижарада яшаган, “пропис-ка” деган галваларга дуч келган.

Кейинчалик вилоят ҳокими, Бош вазир бўлиб ишлаганида ҳам доим пастда юриб, халқнинг дардини яхши биларди.

Ўша пайтда энг катта муаммо уй-жой етишмаслиги эди. Мисол учун, 1991 йилда Ўзбекистон аҳолиси 20 миллион киши бўл-ган, 2016 йилда эса 32 миллионга етган. Лекин



“Давлатимиз раҳбарининг “инсон қадри учун” ғоясидан ўсиб чиққан “инсон — жамият — давлат” деган ёндашув Конституцияимизнинг мазмунига чуқур сингган. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳам “ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шариотларни яратиш” боби билан бошланади.



уйлар-чи? Шунга яраша уйлар қурилдими? Шунча аҳоли, ёш оилалар қаерга кўчиб чиқди?

Вақт ўтгани сайин бу муаммо катталашиб борди. Бир ҳовлида тўрт-беш келин сиқилиб яшаётган оилалар ҳам бор эди.

Аслида, фаровон яшашнинг бирламчи шарти — уй-жой, бошпана. Шунинг учун Президентимиз бу масалага биринчи навбатда эътибор қаратди. Унинг давлат раҳбари си-фатидаги илк қарорларидан иккитаси қишлоқ ва шаҳарларда арзон уй-жойлар қуриш тўғ-рисида бўлди. Биринчиси 2016 йил октябрда, иккинчиси ноябрда қабул қилинган эди.

“Менинг энг катта ниятим шунки, Вата-нимиз ичра ҳар бир инсон ўзининг “кичик ватани”га — уй-жойига эга бўлса, биздан халқимиз ҳам, Яратган ҳам рози бўлади”, деган эди Шавкат Мирзиёев ўша вақтларда.

Шундай бўляпти ҳам. 2017-2025 йилларда юртимизда 620 мингдан зиёд хонадон қури-либди. Бу йил яна 140 минг хонадонли уйлар

барпо этиш режалаштирилган. Илгари ҳеч қачон бундай катта қурилиш бўлмаган.

Энди ўзини ўйланг: охириги 10 йилда уй-жойлар саногии 800 мингтага борапти. Агар оилалар ўртача 4-5 жон деб оласак, 4 миллион одамнинг ҳаёти ўзгарапти. Богча, мактаб, поликлиника, спорт майдони, иш жойи ва энг яхши хизматлар ёнида бўлади. Президентимиз мақсад қилганидек, ҳаётдан рози бўлиб яшайди.

Бундай ишлар давом этияпти. Хусусий компаниалар қураётган турар жойлардан таш-кари “Янги Ўзбекистон” массивлари деган ҳаракат пайдо бўлди. Қорақалпоғистон ва вилоятларда 56 та шундай замонавий мавзе қад ростлади. Келгуси беш йилда уларнинг сони 100 тага етади.

Яна бир жиҳати, шариоти огир оилаларга уй-жойнинг бошлангич бадали давлат бюджет-и ҳисобидан тўлаб берилляпти. Яъни маблагги йўқ одам ҳам салгина ҳаракат қилса, янги уй оляпти, аста-секин оёққа туриб кетяпти.

Инсон қадри яна тенглик, эмин-эркинлик ҳам дегани. Лекин узоқ йиллар юртимизда фуқаролик ва “прописка” билан боглиқ кўп чекловлар бор эди. Тошкент шаҳрида доимий рўйхатга ўтиш азоб эди. Оранизда йнгирма йиллаб яшаб, болалари улгайиб, лекин тенг ҳуқуқли фуқаро бўлмаганлар қанча?! Улар худди айбдордай, ўз юртида бегонадай эди.

Бу иши тушмаганларга билинмаслиги мумкин. Иши тушганлар ҳозирги эркин-лик нафасини жуда теран сезади. Бугун уларнинг елкасидан тоғ ағдарилган. Илгари қисилиб, қимтиниб юрган бўлса, энди ҳамма ба ҳаётини таъминлашга қўл ушлатди. Бемалол уй-лар оляпти, давлат хизматларида ишляяпти, сайловларда қатнашяпти.

Ахир шу эмасми, инсон ҳуқуқлари! Шу эмасми, ислохотларнинг одамлар ҳаётига таъсири!

Булар охириги йиллардаги реал ислохотлардан айримлари, холос. Бундай хайрли ишлар жуда кўп.

Мақола бошида қайд этганимиздек, илк ислохотлар муаммоларини ҳал қилишга қаратилди, аҳолининг бирламчи эҳтиёжларини юзага чиқарди, ривожланишга замин яратди.

Энди Ўзбекистон ислохотларнинг иккинчи даврига қадам қўйди. Бу — яратилган шариотларга таяниб, натижадорликни ошириш, стратегик ривожланиш даври.

Бизнингча, бу босқичнинг иккита муҳим ҳуқуқий асоси бор. Биринчиси, янги таҳрирдаги Конституция бўлса, иккинчиси, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси. Бош қонунимизда давлатчилигимиз асослари ва тараққиёт йўли, стратегияда эса келгуси режа ва мақсадлари муҳассамлашган. Худдики бири мустаҳкам пойдевор бўлса, иккинчиси унда қуриладиган улкан иморат.

Масалан, давлатимиз раҳбарининг “инсон қадри учун” ғоясидан ўсиб чиққан “инсон — жамият — давлат” деган ёндашув Конституцияимизнинг мазмунига чуқур сингган. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳам “ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шариотларни яратиш” боби билан бошланади.

Президентимиз фаолиятининг илк кунларидаёқ “халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак” деган талабни қўйган эди. Стратегияда белгиланган “халқ хизматидеги давлат бошқарувини ташкил этиш” вазифалари ана шу сиёсий курснинг изчил давомидир.

Бундай параллелларни қўллаб келтириш мумкин. Сирасини айтганда, юртимиздаги ислохотлар билан режалар узвий, бир-бирини тўлдиради. Жумладан, миллий стратегиямиз ҳам замон талаби ва аҳоли кутил-маларига асосланган. Таъбир жоиз бўлса, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси халқ билан давлат ўртасидаги мурося, бурч ва масъулиятдир.

Шу пайтгача қилинган ишлар маррани балад олдига қийингани бериляпти. Уларнинг рўёбини, умуман, мамлакат келажак-ини биллими кадрлар ҳал қилди. Давлатимиз раҳбари асос солган Президент мактаблари, ал-Хоразмий ва ал-Беруний мактаблари, замонавий университетларда ана шундай янги авлод тарбияланмоқда. “Президент иктидорли фарзандлари” ташаббуси, “Бир миллион дастурчи” ва “Беш миллион суний интеллект етакчилари” лойиҳалари ёшларни замонавий касбларга йўналтирмоқда.

Билимнинг қадрланиши бутун мамлакатда ўқини-ўрганиш тўлқинини пайдо қилди. Ҳозир раҳбарлардан тортиб, оддий иш-чи-гача — ҳамма ота-она фарзандини яхши ўқитиш ҳаракатида. Худо хоҳласа, яқин йилларда бу авлод ҳаётга кириб келиб, жамиятимизни кўтаради, Учинчи Ренессансга пойдевор бўлади.

Яна, халқнинг юксалиши учун миллий гу-рур ва кўтаринки руҳ ҳам керак. Ислои цивилизацияси маркази ҳамда Имом Бухорий мажмуасида ана шундай улкан ифтихор манбасини кўрамыз. Бундай улғу мерослар ўзбек халқининг салоҳиятини яққол намоян этади, ёш авлодга гурур ва ўзинга ийғирилади.

Қайси соҳада бўлмасин, ҳамма ислохот ва ҳаракатларнинг бир умумий жиҳати бор. Бу — ХАЛҚЧИЛИК, ХАЛҚ МАНФААТИ. Барча стратегик мақсадлар аҳоли фикри ва эҳтиёжларининг ифодаси. Шундай экан, уларнинг ҳаётга қўчилиш ҳаммамиз учун керак. Бу жамиятдан жипслик ва ислохотларга дахлдорликни талаб қилди. Энг муҳими, йўлимиз тўғриси, марралар аниқ, қадамлар эса дадил.

Муносабат

хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, адолатни таъминловчи олий маскан эканини чуқур хис қиламиз. Зеро, фаолиятимиздаги кичик камчилик ҳам нафақат бир инсоннинг тақдирини, балки бутун жамиятнинг давлат ва қонун устуворлигига бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатади.



Нилуфархон САИДҒОЗИЕВА,
Конституциявий суд девони
раҳбари, юридик фанлар доктори

Биз, суд тизими ходимлари ҳар кунни хизмат вазифамизга киришар эканмиз, суд шунчалик давлат идораси эмас, балки фуқароларнинг

хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, адолатни таъминловчи олий маскан эканини чуқур хис қиламиз. Зеро, фаолиятимиздаги кичик камчилик ҳам нафақат бир инсоннинг тақдирини, балки бутун жамиятнинг давлат ва қонун устуворлигига бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатади.

Президентимиз раислигида судларда комплаенс назорат тизими самарадорлигини оширишга бағишлаб ўтказилган тақдиротда илгари сурилган ташаббуслар одил судловда поклик ва ҳалолликни таъминлашнинг том маънодаги ҳуқуқий кафолати бўлди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан янгилаш, уни чинакам мустақил ва халқчил тизимга айлантириш бўйича изчил қадамлар ташланмоқда. Бироқ судьяларнинг қонунларни мукаммал билиши тўлақонли адолатни таъминлаш учун етарли эмас. Сабаби, суд процес-си яхлит занжир, унда нафақат судьялар, балки ҳужжатларни тайёрлаш ва ижро этиш жараё-нида қатнашадиган қарийб 4800 суд аппарати ходимининг ҳам масъулияти мавжуд.

Шундан келиб чиқиб, тақдиротда тизим-да коррупциявий хавф-хатарларни барвақт аниқлаш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ходимларнинг касбий масъулиятини юксалтириш устувор вазифа сифатида бел-гиланди. Тақлиф этилаётган янги тизим суд фаолиятини турли хавфлардан асровчи кучли ҳимоя механизми вазифасини ўтайди.

ОДИЛ СУДЛОВ: ШАФФОФЛИК ВА ҲАЛОЛЛИК КАФОЛАТИ

Ушбу мақсад йўлидаги энг муҳим қа-дамлардан бири Олий суд таркибиде тўғ-ридан тўғри Олий суд раисига бўйсунувчи, мустақил Комплаенс назорати хизматининг ташкил этилишидир. Бу тизим ҳудудлардаги барча судларда қонун устуворлиги ва касб этикаси талабларига риоя этилишини таъ-минловчи комплаенс инспекторлари фаоли-ятини йўлга қўйишни назарда тутайди.

Агар илгари коррупциявий ҳолатларга содир бўлгандан кейин ҳуқуқий баҳо берил-ган бўлса, энди тизим буткул ўзгаради. Янги хизмат хавф-хатарларини ҳали содир бўлма-сидан туриб аниқлайди, баҳолайди ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини барвақт бартараф этади. Бу эса ҳалол меҳнат қилаётган ходим-лар учун касбий ҳимояни таъминлаб, қонун бузилиши ҳолатларига муросаси муҳит яра-тади.

Шу билан бирга, судлар аппаратида хавфи юқори лавозимлар рўйхати аниқ тасдиқла-ниб, инсон омили юқори бўлган барча жа-раён тўлиқ рақамлаштирилади. Бу чоралар орқали субъектив ёндашувлар ва турли шуб-ҳали ҳолатларга бутунлай чек қўйилади.

“Суд процесси яхлит занжир, унда нафақат судьялар, балки ҳужжатларни тайёрлаш ва ижро этиш жараёнида қатнашадиган қарийб 4800 суд аппарати ходимининг ҳам масъулияти мавжуд.

Бугунги ислохотлар доирасида суд тизими-га энг илгор рақамли технологиялар фаол олиб кирилмоқда. Хусусан, судьялар ва суд аппарати ходимлари учун манфаатлар тўқнашувини, да-ромад ва мол-мулк декларацияларини тақдим этиш ҳамда таҳлил қилишнинг автоматла-штирилган электрон тизими жорий этилмоқда. Ушбу шаффофлик ходимларнинг жамият олди-даги масъулиятини янада оширади.

Яна бир муҳим янгилык — суд ишларини автоматик тақсимлаш дастурининг тақомил-лаштирилишидир. Ишларнинг қайси судьяга тушиши ҳамда қайта тақсимланиш мезон-ларининг аниқ ва шаффоф бўлиши процес-суал иштирокчиларда ҳеч қандай шубҳа ёки эътироз қолдирмайди. Коррупция ва иттизоом бузилиши ҳақида хабар берган ходимларни ҳимоя қилиш тизими ҳамда фуқаролар учун хавфсиз алоқа каналларининг яратилиши эса ички назоратни янги босқичга олиб чиқади.

Шунингдек, суд аппаратида ишга қабул қилиш тизими ҳам тубдан янгиланмоқда. Бундан бун бўш лавозимларга кадрлар фа-тиҳани олиш ва мол-мулк декларацияларини тақдим этиш ҳамда таҳлил қилишнинг автоматла-штирилган электрон тизими жорий этилмоқда. Ушбу шаффофлик ходимларнинг жамият олди-даги масъулиятини янада оширади.

Тақдиротда суд аппарати ходимлари учун иختисослашган хизмат кийими жорий этилиши ҳам алоҳида қайд этилди. Либос шунчалик мато эмас, балки масъулият тим-соли. Шу либосни кийган ҳар бир ходим ўз қаддини балад тутиш билан бирга давлат номидан иш кўраётгани, унинг ҳар бир ҳа-

ракатини, ҳатто гапириш маданияти ҳам этика меъёрларига мос бўлиши кераклигини чу-қур англайди.

Умуман олганда, йиғилишда илгари су-рилган стратегик ташаббусларнинг соҳа ва ҳаётга кенг татбиқ этилиши давлатимиз раҳ-барининг “Судларда комплаенс назорат тизи-ми самарадорлигини оширишнинг қўшим-ча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилиниши билан мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлди.

Мазкур ҳужжат суд тизимида коррупция-га қарши курашиш, инсон омилини бартараф этиш ва кадрлар сиёсатини тубдан соғлом-лаштиришга қаратилган янгиланишнинг тизимли равишда ҳаётга жорий этиш меха-низмининг белгилаб берди. Энди комплаенс на-зорати кучайтирилиши, кадрларни танлашда меритократия тамойиллари ва замонавий рақамли тизимларнинг изчил қўлланиши суд аппарати ходимларининг хизмат масъулият-ини тубдан оширади.

Зеро, фармонда белгиланган вазифалар-нинг соҳада тўлиқ ижро этилиши аҳолининг суд ҳимоясига ва одил судловга ишончини янада юксалтиришнинг муҳим кафолатидир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, суд тизимида шаффофлик, ҳалоллик ва адолат муҳитини мустаҳкамлаш фуқароларнинг давлатга ҳамда қонун устуворлигига ҳурма-тини шакллантирадиган асосий омил. Янги ҳуқуқий асослар негизда амалиётга татбиқ этилаётган бундай тизимли чора-тадбирлар мамлакатимизда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги, очиклиги ва соғлигини таъ-минлашга хизмат қилади.

Давлат хизмати тизими трансформацияси фақат ташкилий ёки маъмурий ислоҳот эмас, балки давлатнинг жамият олдидagi вазифалари ва масъулиятига бўлган ёндашувнинг чуқур ўзгаришидир.



23 июнь – Давлат хизмати куни

НАТИЖА УЧУН ИШЛАШ – ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ БОШ МЕЗОНИ



Севара ЗОКИРОВА,
юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори

Бошланиши 1-бетда

XXI асрда давлат хизмати институтини такомиллаштириш, очиклиги, профессионаллитги ва самардорлигини оширишга ҳар қандай мамлакатнинг узоқ муддатли ривожланиш стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Зеро, кучли давлат хизмати самарли давлат бошқаруви, барқарор тараққиёт ва аҳоли фаровонлигининг энг муҳим кафолатларидан биридир.

Халқ ишончи улкан масъулият

Ўзбекистонда сўнгги йилларда давлат бошқаруви фалсафасида туб сифат ўзгаришлари юз берди. Давлат ва жамият муносабатларига бўлган ёндашув қайта қўриб чиқилиб, бошқарувнинг аънанавий “давлат — жамият — инсон” модели ўрнига инсон манфаатларини устувор қўядиган “инсон — жамият — давлат” тамойили асосидаги янги парадигма шакллана бошлади.



Илгари давлат асосий субъект сифатида қаралиб, фуқаролар кўпроқ давлат сиёсати амалга ошириладиган объект сифатида тасаввур этилган бўлса, бутунгги кунда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, муносиб ҳаёт кечиришга интилиши давлат сиёсатининг марказий мезонига айланди. Яъни давлатнинг мақсади фақат бошқариш эмас, балки инсон учун қулай шарт-шароит яратиш, унинг салоҳиятини рўёвга чиқариш ва жамият тараққиётига хизмат қиладиган самарали институтларни шакллантиришдан иборат экани эътироф этилди.

Бундай янги ёндашув, аввало, давлат хизмати тизими олдида янги талабларни қўйди. Чунки инсон қадрини улуғлашга қаратилган давлат сиёсати уни амалга оширадиган давлат хизматчиларни дунёқараш, касбий тайёргарлиги, ахлоқий масъулияти ва хизмат маданияти билан бевосита боғлиқдир. Энди давлат хизматчиси маъмурий ваколат эгаси эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминловчи, жамият ишончини оқловчи профессионал бошқарувчи сифатида намоён бўлиши талаб этилмоқда.

Ўзбекистонда кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини модернизациялаш давлат бошқаруви ислохотларининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Давлат органларида замонавий билим ва кўникмаларга эга, стратегик фикрлайдиган, ташаббускор, масъулиятли ҳамда халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган янги авлод кадрларини жалб этиш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиб бўйича самарали тизим ишлаб чиқишни талаб этмоқда”.

Мазкур стратегик вазифалардан келиб чиқиб, давлат хизматида бошқарув самардорлигини ошириш, натижага йўналтирилган бошқарув тамойилларини жорий этиш ва

инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича институционал ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, давлат органларида бошқарув сифатини янги босқичга олиб чиқиш, ҳудудларда мавжуд имкониятларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш, давлат ташкилотларида инсон капиталини бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Бошқарув самардорлиги агентлиги ташкил этилди.

Агентлик зиммасига давлат органлари ва ташкилотларида ходимларни бошқариш, инсон ресурсларини ривожлантириш ҳамда бошқарув самардорлигини ошириш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш вазифаси юклатилди. Бу эса давлат хизмати тизимида инсон омилининг стратегик аҳамияти ортиб бораётгани, замонавий давлат бошқаруви эса, аввало, малакали ва профессионал кадрларга таянишини аниқлагани.

Шундай қилиб, давлат хизмати тизими трансформацияси фақат ташкилий ёки маъмурий ислоҳот эмас, балки давлатнинг жамият олдидagi вазифалари ва масъулиятига бўлган ёндашувнинг чуқур ўзгаришидир. Бу жараёнда давлат хизматчиси янги давлатчилик моделида ислохотларнинг ижросини эмас, унинг фаол яратувчиси ва ҳаракатлантирувчи кучига айланмоқда.

Тараққиётнинг стратегик ресурси

Ҳар йили 23 июнь куни дунё ҳамжамияти БМТ томонидан белгиланган Давлат хизмати кунини нишонлайди. Мазкур сана давлат хизмати институтининг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини яна бир бор англаш, давлат бошқарувида самардорлик, очиклик ва масъулият тамойилларини мустаҳкамлаш, шунингдек, фуқаролар манфаатларига хизмат қиладиган давлат хизматчилари меҳнатини эътироф этишга қаратилган.

Бутунгги кунда ушбу сана нафақат давлат хизматчиларининг касбий байрами, балки давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг асосий мезони — халққа самарали



халққа хизмат қилиши керак” тамойили янги бошқарув фалсафасининг асосий ғояларидан бирига айланди.

Ушбу тамойил давлат хизматининг мазмун-моҳиятини ўзгартирди: давлат лавозими энди имтиёз ёки мақом эмас, катта масъулият ва жамият олдидagi хизмат вазифаси сифатида талқин этилмоқда. Давлат хизматчисининг қадри халқ ишончини қозона олиши, муаммоларга ечим топиши ва амалий натижалар яратя олиши билан белгиланмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бошқарув соҳасида аҳоли учун самарали тизим яратмасдан туриб, ҳеч бир йўналишда қутилган натижага эришиб бўлмайди. Чунки фуқаролар давлат фаолиятини қабул қилинган қарор ёки дастурлар орқали эмас, балки ўз ҳаётида сезаётган реал ўзгаришлар орқали бошқалайди. Шу боис, ҳар бир давлат хизматчиси ўз фаолиятининг асосий мезони сифатида инсон манфаати, халқ розилиги ва аниқ натижани устувор вазифа сифатида белгилаши зарур.

Янги дав давлат хизматчиси ислохотларнинг бевосита иштирокчиси, давлат ва жамият ўртасидаги ишонч кўприги ҳамда мамлакат тараққиётини таъминловчи стратегик ресурсдир.

Очиқ рақобат ва адолат тамойиллари

Янги Ўзбекистонда давлат бошқаруви фалсафаси ўзгариши, аввало, давлат хизмати тизимида чуқур институционал ислохотларни амалга ошириш заруратини юзата келтирди. Чунки инсон манфаатларини устувор қўядиган, фуқароларга хизмат қилишни бош мақсад деб белгилайдиган давлат модели, энг аввало, янги талабларга жавоб бера оладиган профессионал давлат хизматчилари корпусини шакллантиришни тақозо этади.

Шу нуқтага назардан, давлат фуқаролик хизмати ҳуқуқий, институционал, ташкилий ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Давлат хизмати соҳасида ягона ҳуқуқий асосларни шакллантириш, очиклик ва адолат тамойилларини таъминлаш, кадрларни танлашда меритократия, яъни билим, қобилият ва касбий салоҳиятга асосланган ёндашувни жорий этиш бўйича тизимли чора-тадбирлар қўрилди.

Жумладан, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши давлат хизматининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, хизматчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш, фаолиятини баҳолаш ҳамда профессионал ривожлантиришнинг замонавий механизмларини жорий этиш учун муҳим ҳуқуқий пойдевор яратди. Шунингдек, янги таҳрирдаги Конституцияда фуқароларнинг давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эга экани мустаҳкамланди, давлат хизматини ўташ билан боғлиқ кечловлар фақат қонун асосида белгиланиши кафолатланди.

Бу ўзгаришлар давлат хизматига қабул қилинган кадрларнинг ёндашувларини қўлайлаган ва жамият эҳтиёжларига тез мослаша оладиган профессионал бошқарувчи бўлиши талаб этилмоқда.

Замонавий давлат хизматида асосий мезон фақат жараён эмас, натижа ҳисобланади. Давлат хизматчисининг фаолияти аҳоли ҳаётида қандай ижобий ўзгаришларни таъминлаётгани, фуқароларнинг муаммоларини қай даражада ҳал этаётгани ва давлат сиёсати мақсадларига қанчалик самарали ҳисса қўшаётгани билан баҳоланади.


Сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимини тубдан ислох қилиш, уни очик, самарали ва инсон манфаатларига йўналтирилган тизимга айлантириш бўйича кенг қўламли ишлар бажарилди. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари

Мисол учун, биргина 2026 йилнинг январь-май ойларида vasaps.gov.uz платформаси орқали 8598 малакали ходим ишга қабул қилинди, шундан 2865 нафари хотин-қиз, 5733 нафари эркак, 3456 нафарини ёшлар ташкил қилди. Танлов ғолибларининг 283 нафари давлат фуқаролик хизматига биринчи марта ишга қабул қилинган.

Замонавий давлат бошқаруви учун нафақат кадрларни танлаш, балки уларни мақсадли ривожлантириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда давлат хизматчилари малакасини ошириш, миллий кадрлар захирасини шакллантириш, “Рақбар аёллар мактаби”, “Ҳокимликка тайёрлаш мактаби” каби лойиҳалар орқали янги авлод рақбар кадрларини тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Жумладан, давлат хизматчилари малакасини ошириш, билим ва компетенцияларини ривожлантириш мақсадида агентлик томонидан 2026 йилда турли соҳаларга оид жами 45 та аънанавий малака ошириш курси, 9 та онлайн курс ва 6 та стажировка ташкил этилди.

Аҳоли учун қулайлик – бугуннинг асосий талаби

Давлат хизмати тизимидаги энг муҳим ўзгаришлардан бири бошқарув фаолиятини натижа асосида баҳолаш тизими жорий этилиши бўлди. Илгари давлат идоралари фаолияти кўпроқ бажарилган вазифа ва тайёрланган ҳисоботлар орқали баҳоланган бўлса, бутунгги ёндашувда асосий эътибор реал натижа, аҳоли учун яратилган қулайлик ва хизматлар сифатига қаратилмоқда.



Бу тамойил “Сифатли давлат бошқаруви” дастури доирасида амалга оширилган ишлар мисолида яққол намоён бўлди. Мазкур дастур доирасида республика миқёсидаги давлат органлари фаолияти халқаро экспертлар ва маҳаллий мутахассислар томонидан комплекс баҳоланди. Бунда бошқарув самардорлиги, рақамлаштириш даражаси, давлат хизматлари сифати, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва фуқаролар учун яратилган имониятлар асосий мезон сифатида белгиланди.

Ушбу ёндашувнинг моҳияти шундаки, давлат органи ва мансабдор шахс фаолияти унинг қанча қарор қабул қилгани ёки қанча йилгилиш ўтказгани билан эмас, одамлар ҳаётида қандай ижобий ўзгаришларни таъминлагани билан баҳоляниши керак.

Инсон капитали ва компетенциялар

Давлат хизмати самардорлиги, аввало, унда фаолият юритаётган кадрларнинг билим ва салоҳиятига боғлиқ. Шу сабабли давлат хизматчиларини ўқитиш, малакасини

ошириш ва профессионал ривожланишини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Сўнгги йилларда давлат хизматчиларининг касбий салоҳиятини ошириш мақсадида юзлаб малака ошириш курслари, амалий семинарлар, экспресс-тренинглар ва хорижий стажировкалар ташкил этилди. Бу жараён давлат хизматчиларини янги билимлар, замонавий бошқарув усуллари ва халқаро тажрибалар билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Давлат хизматчилари компетенцияларини объектив баҳолаш мақсадида Рақбар кадрларни баҳолаш маркази ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси давлат хизматчиларининг билим, кўникма ва бошқарув қобилиятларини замонавий баҳолаш усуллари асосида аниқлаш, ривожланиш эҳтиёжларини белгилаш ва шахсий касбий ўсиш траекторияларини шакллантиришдан иборат.

Бутунгги кун ҳолатига 1143 номзод баҳолаш жараёнларида ўтказилган ҳамда 744 нафарининг портфолиолари тайёрланиб, компетенцияларини ривожлантириш режалари ишлаб чиқилди.

Халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган ассессмент тизими давлат хизматида кадрларни танлаш ва ривожлантиришнинг муҳим воситаларидан биридир. Ушбу усул орқали ходимнинг кучли жиҳатлари, ривожланиш натижа асосида баҳолаш маркази ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси давлат хизматчиларининг билим, кўникма ва бошқарув қобилиятларини замонавий баҳолаш усуллари асосида аниқлаш, ривожланиш эҳтиёжларини белгилаш ва шахсий касбий ўсиш траекторияларини шакллантиришдан иборат.

Бугун давлат хизмати тизимида компетенциялар модели асосида кадрларни

баҳолаш, уларнинг портфолиосини шакллантириш ва индивидуал ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш амалиёти жорий этилмоқда. Бу эса давлат хизматини тасодифий эмас, аниқ мезон ва стратегик режалаштириш асосида ривожлантириш имконини бермоқда.

KPI — баҳолашда самардорликни таъминлайди

Замонавий давлат бошқарувида энг муҳим ёндашувлардан бири ходимлар фаолиятини энг муҳим самардорлик кўрсаткичлари (KPI — Key Performance Indicators) асосида баҳолашдир. KPI тизими давлат хизматчиси фаолиятини “қанча иш қилинди?” деган саволдан “қандай натижага эришилди?” деган ёндашувга ўтказди. Бу механизм орқали ҳар бир ходимнинг ташкилот мақсадларига қўшаётган ҳиссаси аниқланди, масъулият ва шахсий жавобгарлик кучаяди.

Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятнинг юксалтириш йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастури ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини

амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам давлат органлари фаолиятида натижадорликни таъминлаш мақсадида аниқ кўрсаткичлар асосида баҳолаш тизими жорий этилиши белгиланди.

Шу асосда давлат хизматчилари фаолиятини электрон баҳолаш имконини берувчи samaradorlik.uz платформаси ишга туширилди. Ушбу тизим давлат хизматида шаффофликни ошириш, натижаларни рақамли асосда баҳолаш ва бошқарув қарорларини аниқ маълумотларга таянган ҳолда қабул қилиш имконини бермоқда.

Бутунгги кунда давлат хизматчиси фаолиятининг ҳақиқий мезони халққа қанчалик фойда келтираётгани, фуқаролар ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар яратяётганидир.

2026 йилнинг биринчи чорати якунларига кўра, 111 та республика ижро органи ва хўжалик бирлашмасидаги 410 рақбар ва уларнинг ўринбосарлари 3 мингта яқин самарадорлик кўрсаткичи асосида, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан ҳудуд даражасида 102 нафар ҳамда туман (шаҳар) даражасида 1140 нафар ҳоким ўринбосари фаолияти 12 мингдан ортиқ самарадорлик кўрсаткичи асосида онлайн платформа орқали баҳолянди.

Давлат хизмати тизимида шаклланаётган янги ёндашувнинг асосий мазмуни профессионализм, меритократия, натижадорлик ва халққа хизмат қилиш тамойилларига таянган замонавий давлат хизматини барпо этишдан иборат.

Албатта, ислохотларга қарамай, давлат хизмати тизими олдида ҳали муҳим вазифалар мавжуд. Жумладан, бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш, коррупциянинг олдини олиш, ҳудудларда малакали кадрлар захирасини кенгайтириш, давлат хизмати жонивдорлигини ошириш ва бошқарувга янги технологияларни чуқур жорий этиш долзарб масалалар бўлиб қолмоқда.

Айнан шу вазифаларни ҳал этиш мақсадида давлат фуқаролик хизматини узоқ муддатли ривожлантиришга қаратилган Давлат фуқаролик хизматини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси қабул қилинди. Мазкур стратегия давлат хизматини янада профессионал, очик ва самарали тизимга айлантиришнинг узоқ муддатли йўналишларини белгилайди.

Ҳозирги дав давлат хизматчиларидан муттасил ўқиш ва ўз устида ишлашни талаб қилмоқда. Сунъий интеллект, катта маълумотлар таҳлили, рақамли бошқарув, лойиҳавий менежмент ва стратегик режалаштириш каби кўникмалар энди давлат бошқарувининг ажралмас қисмига айланмоқда.

Шу нуқтага назардан, давлат хизматчиси доимий ривожланиш йўлини танлаши лозим. Чунки замон ўзгаришмоқда, жамият эҳтиёжлари янгиланмоқда, фуқароларнинг давлатдан кутаётган талаби ортиб бормоқда.

Шу маънода, бугунги давлат хизматчиси:

- халқ билан очик мулоқот қила оладиган;
- рақамли технологиялардан самарали фойдаланадиган;
- тезкор ва адолатли қарор қабул қиладиган;
- коррупцияга мутлақо муросасиз бўлган;
- натижа учун шахсан жавоб берадиган шахс бўлиши шарт.

Чунки давлат хизмати имтиёз эмас, нафақат бугунги кун, балки давлатнинг келажаги учун ҳам юксак масъулиятдир.

Бутунгги кунда давлат хизмати мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи муҳим стратегик институт сифатида намоён бўлмоқда. Сабаби, давлат сиёсати ва ислохотларнинг ҳақиқий натижаси, аввало, уларни ҳаётга табиқ этаётган давлат хизматчиларининг билими, салоҳияти, масъулияти ва фидойилигига боғлиқ.

Янги Ўзбекистондаги давлат бошқаруви ислохотларининг бош мақсади халққа хизмат қиладиган, очик, самарали ва профессионал давлат хизматини шакллантиришдан иборат. Бу жараёнда давлат хизматчиларининг роли ҳам тубдан ўзгarmoқда: у энди фақат маъмурий вазифаларни бажарувчи ходим эмас, балки инсон қадрини таъминлаш, фуқароларнинг ишончини мустаҳкамлаш ва ислохотларнинг амалий натижасини таъминлашга масъул бўлган муҳим ижтимоий институт вакилига айланмоқда.

Шуни англаш зарурки, давлат хизматининг асосий мезони аҳолига яқинлик, инсон манфаатларига садоқат ва аниқ натижадор. Давлат идоралари фаолиятида “жараён учун эмас, натижа учун” ишлаш тамойили қарор топиши бошқарув самардорлигини ошириш, бюрократик ёндашувларни камайтириш ва давлатга ишончли мустаҳкамлашнинг муҳим омилли ҳисобланади.

Келгусида ҳам давлат хизмати тизимини такомиллаштириш, уни замонавий билим ва кўникмаларга эга, инновацион фикрлайдиган, ҳалол ва ташаббускор кадрлар билан бойитиш мамлакат тараққиётининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади. Зеро, кучли давлат хизмати кучли бошқарув, барқарор тараққиёт ва халқ фаровонлигининг мустаҳкам кафолатидир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

Мулоҳаза

uz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Жарроҳлик муолажаси пайтида шифокор беморнинг ички аъзосида пахтами ё дока унутиб қолдирганидан ёки ивиган қонни тозаламаганидан хайратланган ҳолатимиз бўлган. Наҳотки, шу даражада эътиборсизлик, масъулиятсизлик бўлса дея таажжубланганмиз. Бунақа унутишларнинг каффорати баъзан саломатлиқни, баъзан умрни бой бериш билан тугаган.

ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

Хай-хай, афсуски, кейинги пайтларда унутишларнинг янгилари, оригиналлари пайдо бўлди...

Енгил машина ёки йўловчи ташишга мослаштирилган кичик автобуслар ичидан жой олган беш-ўн нафар одам хоҳласа-хоҳламаса, бир-бирини қўриб туради, билиб-билмай шеригига тегиб кетиши мумкин. Бундай машиналардан тушиб кетаётганда, балки кафтедеккина нарса чўнтагингиздан сирғалиб тушиб қолганини сезмаслигингиз мумкин, аммо ёнгинангизда сизга қараб турган, нафас олаётган, кучоқласанг багрингиз тўлдирини мумкин бўлган уч яшар қизалоқни, ҳатто ухлаб қолган бўлса ҳам, қандай қилиб унутиб қолдирини мумкин? Бунинг учун, менимча, ё ўзингизни ва атрофингизни кўрмайдиган, ҳис қилмайдиган даражада руҳий носогол бўлишингиз ёки инсон қадрини поймол қилиш даражадаги дунёвий ҳою ҳаваслар йўлида шошилиб, адашиб, ён-атрофдан тамоман узилган бўлишингиз керак... Яна билмадим.

Хуллас, ижтимоий тармоқларда тарқалган хабарларга қўра, шу йилнинг 4 июнь куни Қашқадарё вилоятининг Қамашли туманида ҳайдовчи А. О. ва тарбиячи Н. Ж. эрталаб богчага деб олиб кетган 3 яшар қизалоқни машинада қолдириб кетган ва вафот этишига сабабчи бўлган.

Ҳа, ўша богчадаям, шубҳасиз, ҳар куни қоғозларда бўлса-да, “Болалар — бизнинг келажакимиз”, “Болаларни жон дилимиздан яхши кўрамиз” дейилса керак...

“Одобни беодобдан ўрган” деган мақол бор халқимизда. Ваҳоланки, айнан худди шундай фожиа вилоятнинг Қосон туманида юз берганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Ўшандам богча опа богчага олиб келган қизалоқни енгил машинаси ичидан қолдирган, иссиқлик ва яна Аллоҳгагина маълум бўлган руҳий азоб, қўрқувлардан қизалоқ жувонмарг бўлган.

Уламолар фаросатли одам бир ковакдан чиққан илонга ўзини икки марта чақтирмаслигини айтишлар. Ақлу ҳуши, фаросати, масъулияти, оналик, аёллик фазилатидан мосуво бўлмаган ҳар қандай богча



Мухтарама УЛЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

опалар, богча мудирлари, энагалар учун бу жуда аччиқ ибрат, кундалик фаолияти учун сабоқ бўлмоғи шарт эди. Ўшанда вилоят мактабгача таълим даргоҳларига масъул бўлганлар бу каби ҳолатлар такрорланмаслиги учун қандай чоралар кўрган, билмайдиг-у, лекин “қўрилган ё кўрилмаган чоралар”нинг янги аччиқ “меваси пишиб” тўкилди...

Саволлар кўндаланг келмоқда. “Оғзи куйган қатикням пуфлаб ичади”, дейдилар. Ававалсизга қарийб бир томчи сув каби ўхшаш фожиа яна такрорланди-ку. Машинадаги болани қандай қилиб кўрмай тушиб кетиш мумкин? Ахир, қўй, қуён, ҳатто жонсиз буюм ташилса ҳам санаб юкланади, санаб тушириб олинади-ку?! Ҳўп, тушунингизга ҳаракат қилайлик: балки бола ўриндиқнинг тағида ухлаб қолгандир. Шунда, айнаи шу боланинг богча опаси “Нима учун фалончи келмади?” деб машина ҳайдовчисидан, унинг ёнида келган яна кимдирдан, ҳеч бўлмаса, боланинг ота-онасидан сўрамайди.

Маълумотларга қўра, ҳайдовчига нисбатан жиноят иши кўзғатилган, хусусий

боғча ёпилган. Майли, ҳайдовчига нисбатан қонунга мувофиқ чора кўрилади — шу билан тамомми? Кўнглимиз хотиржамми?

Агар кўзининг олдида турмаса, тарбияланувчисини кун бўйи эсламайдиган, йўқлаб қўймайдиган богча опалар ва шундай ходимларга болажонлар тақдирини ишониб топшириб қўйган богча мудирлари, бола ўлимидек фожиадан ҳам тўғри хулоса чиқариб, айнаи ҳолатлар қайтарилмаслиги чораларини кўрмаган тизим раҳбарлари бу воқеяларга мутлақ алоқасизми?

Биз-чи? Кўзимизнинг оқу қораси, жонпарчамиз, ҳаётимизнинг бебаҳо неъматини омонатимиз, булоқ суви каби беғубор, ҳимояга муҳтож болажонларимизни ухлашни хоҳламагани, овқат емагани, шўхлиги учун сўкадиган, урадиган ва ҳатто фожаларига билвосита сабабчи бўлаётган богча опалар, уларнинг раҳбарлари қўлга ишониб топшираверамизми?

Кўпчиликка фикрларим оғир ботиши табиий. Ота-она эрталаб уйдан ўйнаб-қулиб чиқиб кетган ўғил, қизининг соғувқ танасини қўчиши бир оиланинг умрига татигулик мусибат, жамиятнинг мислсиз йўқотиши. Бола қалбнинг яраланиши, қўқиши, ёлғизланиши, қўрқоқ бўлиб қолиши халқу ватан келажиги баркамоллигини, руҳий қувватини, ақлий салоҳиятини, имкониятларини, ғайрат-шижоатини кесади, емиради. Болани она қалби билан яхши кўрмайдиганлар богчада ишлашга ҳаққи йўқ!

Мактабгача таълим соҳасида на тажрибам бор, на мутахассисман. Аммо она, буви сифатида кўнглимдан бир фикр ўтди. Биз ахборот, техника ва компьютер ривожланган асрада яшаймиз. Шундай экан, богча тарбияланувчилари ва мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари базасини тузиб, уларнинг эрталаб, тушда, кечқурун қаерда экани, нима билан шугулланаётгани ҳақида маълумот берувчи дастурлар яратилиш ва богчаларда, мактабларда жорий этиш вақти етди, назаримда. Шунда юқоридagi каби фожиаларнинг олди олинади, ота-оналар уйда бежавотир ўтиради деб ўйлайман.

Навоий вилояти — саҳро бағрида яширинган мўъжизалар маскани. Бу ерда қадимий карвон йўллари ва қизилқумнинг сирли сукунати ва замонавий шаҳар ҳаёти ўзаро уйғунлашади. Тонгда тоғлар узра қўёшнинг заррин нурлари ёйилар экан, киши ўзини гўё даврлараро юргандек ҳис қилади. Айдарқўлнинг мовий суви, Сармишсой қоятошларидаги минг йиллик суратлар ва чўл бағридаги юрт меҳри хар бир меҳмон шуурда унутилмас бўлиб муҳрланади.

Худуд нафақат ресурслар ва саноатга таяниб ривожланаётган, балки туризм соҳасида ҳам янгилаш кийёфа касб этиб, тарих, табиат, зиёрат ва экотуризм йўналишларида тараққий этмоқда. Қадимий карвон йўллари, нурли зиёратгоҳлар, бетакор чўл манзаралари ва замонавий сайёҳларга қўлай Навоийнинг туризм салоҳиятини муттасил оширмоқда.

Шу боис, айнаи вақтда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида сайёҳлар учун қўлай муҳит ва зарур инфратузилма барпо этилмоқда. Худуд марказларида туризм кўчалари очилиб, қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ҳозгон шаҳрида қурилган туризм кўчаси шаҳарнинг ўзига хос миллий қиёфасини акс эттирган. У маҳаллий табиий махсулот — мрамторошлар билан безатилган. Кўча тўлиқ асфальтланган, пиёдалар ва транспорт ҳаракати учун қўлай шароит яратилган. Шунингдек, ушбу ҳудудда замонавий савдо дўконлари ташкил этилиб, аҳоли ва шаҳар меҳмонлари учун хизмат кўрсатиш сифати янада ошди. Туризм кўчасидаги манзилгоҳлардан бири Шоҳмардон зиёратгоҳига туташ бўлиб, бу масканда ҳам катта бунёдкорлик ишлари қилинмоқда.



Ҳаётини ташаббуслар қанотида

ОЛИС ҚИШЛОҚЛАР РИВОЖИДАГИ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЬ

ТУРИЗМДАГИ ИМКОНияТЛАР ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Маданий мерос агентлиги жамғармасининг 1 миллиард 601 миллион сўм маблағи ҳисобидан зиёратгоҳда реставрация, таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилмоқда. Хусусан, ҳудудда санитария-гигиена хоналари ташкил этилиш, сайёҳларга қўлай шароит яратиш, қолаверса, гид, таржимонлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир туризм кўчаси атрофида жойлашган қоятошлардаги суратлар, яъни петроглифларни ўрганиш ва улар билан боғлиқ лойиҳалар старт олган. Ушбу

худуд Ҳозгон шаҳрининг сайёҳлик салоҳиятини янада ошириш, шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

— Сўнгги йилларда вилоятимизда сайёҳлик жадал ривожланаётганини рақамларда ҳам кўриш мумкин, — дейди Навоий вилояти ҳокими ўринбосари Саъдулла Мирзаев. — Соҳа ривожини мутлақо янги босқичга чиқди. 2025 йилда ҳудудга 535 мингдан ортиқ хорижий, 2 миллион 675 минг маҳаллий сайёҳ

келди. Бу аввалги йилдагига нисбатан қарийб икки баробар ўсish демакдир. Туризм экспорти қиймати эса 160 миллион доллардан ошди. Айнисқа, Германия, Италия, Франция ва Хитойдан келаятган сайёҳлар оқими сезиларли даражада кўпайди. “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил”, “Мангуберди Ватанига саёҳат”, “Мозийга саёҳат” каби дастурлар доирасида 873 мингдан зиёд юртдошимиз учун саёҳатлар уюштирилди. Вилоятда туризм йўналишларини янада кенгайтириш мақсадида Чашма

зиёратгоҳи, Имом Бухорий мажмуаси ва Етти пир зиёратгоҳларини боғловчи туризм ҳалқаси ишлаб чиқилди. Ушбу йўналишга 18 та маданий мерос ва 130 та бошқа турдаги сайёҳлик объекти, 8 та туризм қишлоғи ва маҳалласи киритилди. Хатирчи туманидаги Лангар, Ангидон ва Нуротадаги Чўя маҳалла-ларига “Туризм маҳалласи” мақоми берилди.

Зарафшон шаҳрида ҳам сайёҳлар учун зарур инфратузилма яратилмоқда. Жумладан, чўл ва экстремал туризм лойиҳаларини ўзид ақс эттирган “Zar Vegas” лойиҳаси бошланган. Президентимизнинг 2024 йил 12 декабрдаги “Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди Зарафшон шаҳридаги Марварид қўли атрофида дор йўли, сузиш ҳавзаси, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини барпо этиш вазифаси белгиланган эди. Қарорга биноан Марварид қўли атрофидаги 30 гектар майдонда туризм шаҳарчаси ташкил этилмоқда. Лойиҳани Туркиянинг етакчи компанияси алоҳида мастер режа асосида ишлаб чиққан. Шунингдек, “Ideal building” МЧЖ томонидан 50 миллион сўм эвазига 230 ўринга мўлжалланган 5 юлдузли меҳмонхона қурилмоқда.

Айни вақтда Конимех туманида янги барпо этилган “Yurt Camp Sputnik Navoi” ўтовли оромгоҳида сайёҳларга хизмат кўрсатилмоқда. Илк сафари туризм кластери кўринишидаги ўтовли оромгоҳ 2 гектар майдонда жойлашган. Ундаги 30 та ўтов бир вақтнинг ўзид 500 сайёҳга хизмат кўрсата олади.

Навоий вилояти ўтовли оромгоҳ ҳамда сафари туризм объектилари катталиги ва сони жиҳатдан Ўзбекистонда биринчи ўринда туради. Худудда бугунгача 855 ўринга эга 7 та ўтовли лагер фаолият юритмоқда.

Президентимизнинг 2024 йил 8 июлдаги “Худудларнинг иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш ва бўш ер участкаларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Хатирчи туманидаги Дамарик, Фаровон, Навбахор маҳаллаларида ижтимоий-иқтисодий имкониятларни ўзид ақс этган мастер-режа ишлаб чиқилган. Унга

қўра, “Янги Ўзбекистон” массивидидаги соҳил бўйи лойиҳасини ноёб дам олиш масканига айлантириш режалаштирилган. Ҳозир бу ерда соҳил туризмини ривожлантириш учун кўнглиочар маскан ташкил этилмоқда.

Нурота тумани деганда Чашма зиёратгоҳи кўз олдимизга келади. Тўғри, у маҳаллий ва хорижий сайёҳлар орасида машҳур. Аммо туманда фақат шу билан чекланиб қолмай, сайёҳлик қўлими кенгайтирилмоқда. Туризмнинг бошқа йўналишлари ривожини учун зарур инфратузилма яратилапти. Бугун туманда битта меҳмонхона, 57 та оилавий меҳмон уйи, 5 та хостел, 4 та дам олиш маскани ва 1 та ўтовли оромгоҳ сайёҳлар хизматида. Мўҳими, 20 дан ортиқ объект вилоятнинг туризм маршрутига киририлган.

Шу ўринда ҳудуднинг миллий брендида айлانган каштачилик ҳақида ҳам тўхталиш зарур. Тоғу тош оралаб Нуротага келган сайёҳлар бу санъатга ошурфа бўлади. Қадим гўша кашталари ранг-баранглиги, сержи-лолиги билан жаҳон бозориди ҳам харидор-гир. Бундай бебаҳо махсулотлар асплар оша миллий анъаналарини ўзид сақлаб келмоқда. Бугун ушбу маънавий бойлик иқтисодий барқарорликка ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Нурота тоғлари экотуризм ихлосмандлари учун бетакор манзил. Бу ҳудуддаги мусавфо табиат, тоза ҳаво ва ноёб ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси сайёҳларга ўзгача ҳузур бағишлайди. Чўя қишлоғи ана шундай манзиллардан. Утган йили туризм хизматларини кенгайтириш борасида қилинган ишлар тўғрисида Чўя “Туризм маҳалласи” мақомини олди.

Ҳозир тумандаги Сентоб, Чўя, Дара, Каттасой, Кичиксой, Мушкан, Қизилча каби қишлоқлар юртимиз аҳолисининг баҳор мавсумидаги асосий саёҳат манзилгига айланди. Боиси, тоза ҳаво, зилол булоқ суви, қўқлам тароватини ўзид жамлаган табиат сайёҳларни ўзига тортиди. Меҳмон уйларидаги самимий муҳит, анъанавий меҳмондўстлик ва табиат бизаллиги дилларга ҳузур бағишлайди.

ҲОЛИБ АБДУСЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

КЎЗГҮ

5

2026 йил 23 июнь, 125-сон

ЮКСАЛАЁТГАН
ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

Нуктаи назар

Ҳар қандай жамиятнинг тараққийи, тинчлиги ва барқарорлиги, аввало, билимли, маънавиятли ва ҳуқуқий онги юксак ёшлар тарбиясига боғлиқ. Шу боис, мамлакатимизда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳамда ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан.

Бугун юртимизда ёшлар билан ишлаш тизими мутлақо янги босқичга кўтарилди. Жиноят содир этилгандан кейин чора кўриш эмас, балки унинг сабаб ва шарт-шароитини барвақт аниқлаш, ҳар бир йигит-қизнинг муаммосини эшитиш, ижтимоий, маънавий ва психологик қўллаб-қувватлашга асосланган профилактик ёндашув устувор аҳамият касб этмоқда. Бу эса таълим муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳалла, оила ва кенг жамоатчиликнинг ўзаро ҳам-жиҳатлигини талаб этади.

Андижон давлат университетида ҳам мазкур йўналишда тизимли ишлар қилинмоқда. Университет вилоят ички ишлар органлари, прокуратура, адлия тизими, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда талабалар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўриб келмоқда.

Ҳамкорлик доирасида ёшлар ўртасида салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин бўлган омиллар мунтазам таҳлил қилиниб, аниқ чоралар белгиланб боришмоқда. Талабаларнинг таълим жараёнидаги иштироки, ижтимоий муҳитга мослашуви, маънавий-руҳий ҳолати ҳамда кундалик турмуш тарзи мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ўрганилиб, муаммолар ечимини юзасидан амалий чоралар қўйилмоқда.

Университетда профилактика ишларининг муҳим йўналишларидан бири талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил



Бахтиёржон АКБАРАЛИЕВ,
Андижон давлат университети
ректори, техника фанлари доктори,
профессор

ташкил этилиб, ёшларда қонунга ҳурмат, фуқаролик масъулияти ва дахлдорлик ҳиссини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, университет ҳудудида профилактика инспектори фаолияти самарали йўлга қўйилган бўлиб, талабалар билан доимий мулоқот қилиш, уларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ҳуқуқий маслаҳат бериш ва юзга келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутмоқда.



этишдир. Бу борада давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар, ҳуқуқий тарбиятадбирлари, маънавий-маърифий учрашувлар мунтазам

Қилинаётган ишлар самара бермоқда. Хусусан, 2022 йилда университет талабалари иштирокида 35 та жиноят ҳолати

2026 йил 23 июнь, 125-сон

6

МАЪНАВИЯТ

“Темур тузуклари” – миллий давлатчилигимиз дастури

БЕБАҲО ВА ЭСКИРМАС ДАСТУРУЛАМАЛ

Амир Темурнинг юрт ободлиги ва фаровонлиги ҳақида қарашлари

Ҳар бир шаҳарда масжидлар, медресалар, хонақоҳлар қуришни, мусофир йўловчилар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим.

Сармояс қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фукародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарни етказиб, унга ёрдам берилсин.

Буюрдимки, ҳар мамлакатнинг гадоларига вазифа юклаб иш берсинлар, токи шу йўл билан гадолик расми йўқотилсин.

Авлиёлар, дин пешволарининг мазорлари ва мақбараларига вақфдан маблағ ажратсинлар. У ерларни гилам, таом ва чироқ билан таъминласинлар.

Ҳар бир мамлакат фатҳ этилгач, у ернинг гадоларини тўплаб, кундалик емиш-ичмишларини бериб, уларга бирон вазифа белгиласинлар. Ҳамда барчасин тамғоласинлар, токи бошқа гадолик қилмасинлар. Агар тамғодан кейин ҳам гадолик қилгудек бўлсалар, уларни узоқ мамлакатларга сотиб юборсинлар ёки ҳайдасинлар. Шундагина гадо зоти мамлакатда йўқолади.

Кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўқартирса ёхуд хароб бўлиб ётган бирон ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун-қоидага мувофиқ хирож йиғилсин.

Бўрибой Аҳмедовнинг “Амир Темур ўғитлари” китобидан.

Кўнглимиз нурафшон эди. Муқаддас ҳаж сафарини муносиб адо этдик. Бир олам таассуротга эга бўлдик. Айни пайтда “Президент ҳожиси” масъулияти зиммамизга юкланганини барчамиз юракдан ҳис этардик.

www.yuz.uz

[yuz.uznews](https://www.facebook.com/yuz.uznews)

[yuz_official](https://www.t.me/yuz_official)

[yuz.uz_news](https://www.instagram.com/yuz.uz_news)

[yuz.uz_news](https://www.youtube.com/yuz.uz_news)

МУҚАДДАС САФАР

Эссе

Бошланиши 1-бетда

Ҳа, бу жуда қутлуғ сафар бўлди! Ташаббус Ўзбекистон Республикаси Президентига тегишлидир. Бу қуруқ сўз эмас, дўстлар, элга, халққа хизмат қилиш, юртни ўйлаш, инсонларни руҳлантиришнинг юксак намунаси деган бўлардим. Бунинг устига, қутлуғ сафаримиз Қурбон ҳайити муносабати билан хайрия сифатида давлатимиз раҳбари ҳисобидан қопланганини эшитгач, Президентимизга ҳурматимиз янада ошиб кетди!

Одами эрсанг, демагил одами,
Ониким йўқ, халқ гамидин гамм,
деб ёзган эди Ҳазрат Алишер Навоий. Ўз вақтида буюк бобимиз ҳам Ҳирот халқининг бир йиллик хирожини тўлаб, халқнинг дуосини олган экан.

Ривоятлар диёри

Сафарга кузатиш жараёни байрамга айланиб кетди. “Президент ҳожилари”нинг кайфияти аъло эди. Самолётга ўтирар эканман, яна Алишер Навоийни эсладим. Улуғ шоир ҳаж сафарига икки-уч бор тарадуд кўрган, лекин мамлакатдаги нотинч шароит унга имкон бермаган. Камина улуғ шоиримизга бағишланган “Мангу қуёш” тарихий романимда шу ҳақда мулоҳаза юритган эдим. Мавзуга тегишли бўлгани сабабли романдан кичик парча келтиришга журъат этдим:

“...Ёшлик замонларидан бошлаб Навоий кўнглида ислом ҳажини адо этиш нияти, ҳайр ул-аном алайҳис саловату васаламини муборак равазларини зиёрат қилиш орзуси оромини ўйларди. Ҳайҳот, Ё Раб, Ясрибу Батҳога бормак қачон насиб айлар экан, қачон Макка муқаррамага боргаймен, Масжид ул-харамда ибодат қилгаймен, Замзам булоғи бўйида дил-дилимдан тарона куйлагаймен, кўз ёшларимдан ул буюқни денгизга

Муҳаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

қурдилар, унинг ёнида масжид тикладилар. “Ясриб” номи Қуръони каримнинг “Ал-Аҳзоб” сура-сида келтирилган. Ўша масжид бутун минг-минг одамни сиғдира оладиган Масжид ун-набавийдир. Ибодатларни Масжид ун-набавийда ва пай-ғамбаримиз равазларида адо этдик. Масжиднинг ичи ниҳоятда катта ва кенглигини кўриб, ёқа уш-ладим. Шунчалар маҳабатли, назаримда, бутун олам масжидга айланган эди.

Пайғамбаримиз Маккаи мукаррамадан Мадина-га ҳижрат қилиб йўлга чиққанларида ул зот минган туя бир ерда чўқади. Расулulloҳ “Туя маъмурдир”, дея қай ерда тўхташни туянинг ўзига қўйганлар. Худди шу ерда ислом оламида биринчи масжид са-налган Қубо масжиди бунёд этилган. Пайғамбари-миз шанба кунлари масжидга гоҳ пиёда, гоҳ уловда келиб, икки ракат намоз ўқир эканлар.

айлантиргаймен, қачон Мадинаи мунавварада бўлгаймен, Расулulloҳ равазларини зиёрат этгай-мен деб ҳаёллarga эрк берарди...”.

Бундай орзулар жуда кўп боболаримизнинг кўнглини нурлантирганига шубҳа йўқ.

...2026 йил 18 май кунни Ҳижоз ғарбида жой-лашган Мадинаи мунавварага етиб бордик. Рас-мий номи Ал-Мадина ал-Мунаввара. Шаҳар ис-лом маданияти ва цивилизацияси бешиги. Бир ярим миллионга яқин одам муқим яшайди.

Биз шаҳар марказидаги “Мармара” меҳмонхо-насига жойлашдик. У Масжид ун-набавий (пай-ғамбар масжиди)га яқин. Ҳаж амалларини осон ва қулай бажаришимиз учун барча шароит муҳайё қилинган эди. Эракларга алоҳида, аёлларга эса адрасдан алоҳида либослар тикилган. Махсус ишчи гуруҳ вакиллари доим ёнимизда бўлди, ҳолимиз-дан хабар олиб турди. Шифокорлар, ошпазлар, эл-ликбошилар хизмати ҳам мақтовга муносиб.

Мадина шаҳрининг аввалги номи Ясриб бўл-ган. Пайғамбаримиз уни “Мадина” деб атадилар. Милодий 622 йили Муҳаммад алайҳиссалом Яс-рибга ҳижрат қилганлар. Келгач, шаҳарда бир уй

Мадина шаҳри атрофидаги муқаддас жойлар-га ҳам бордик. Муҳим жанг бўлган Уҳуд тоғи, у ердаги қабристонни зиёрат қилдик. Пайғамбари-мизнинг “Бу Уҳуддир. У бизни яхши кўрадиган, биз ҳам уни яхши кўрадиган тоғдир” деган сўзла-ри машҳур. Яна, Мадинанинг хурмоззорлари жуда ажойиб, серфайз.

Маккаи мукаррамада

Ислом оламининг маркази — Макка шаҳри кўз олдимизда намоён бўлди. Узоқда Масжид ул-ха-рам ёнидаги минорали соат кўзга чалинди. Авто-бусимиз етиб келганда вақт пешиндан оғган эди.

Бизни меҳмонхона олдиди муфтий, шайх Ну-риддин Холиқназар бошлик бир гуруҳ ватандош-лар кутиб олди. Ҳамма хурсанд, шукрона туйғуси кўнглиларни чулганган.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ	Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ	Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақлаланади. Газетанинг полиграфия жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма 1-646. 30166 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.	Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев Мусаҳҳис: Акбар Қаршиев Дизайнер: Хуришд Абдуллаев Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй ЎЗА яқуни — 00:15 Тошпирилди — 00:20
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 Е-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05		“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.	